

**«Тасдиқлайман»**

Наманган вилояти божхона бошқармаси  
бошлиғининг биринчи ўринбосари,  
божхона хизмати подполковниги



Ш.Бакиев

09 2022 йил

Буюртмачи:

**Давлат божхона Қўмитаси Наманган вилояти божхона бошқармаси**

Косонсой тумани Обод МФЙда жойлашган “Косонсой” чегара божхона пости  
худудига ҳамда Учқўрғон тумани Бўстон МФЙда жойлашган “Учқўрғон” чегара  
божхона пости худудига 2 донадан жами 4 донаҳар бирининг сиғими 5м<sup>3</sup> бўлган  
суюлтирилган газга мосланган цистерна (газгольдер) харид қилиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Наманган шаҳри 2022 йил

**Танлов ҳужжатларининг мазмуни:**  
**1. Танлов иштирокчилари учун Йўриқнома**

**Танлов иштирокчиси учун йўриқнома**

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги Қонун асосида ишлаб чиқилди.

**Танлов предмети ва қиймати**

1. Косонсой тумани Обод МФЙда жойлашган “Косонсой” чегара божхона пости ҳудудига ҳамда Учқўрғон тумани Бўстон МФЙда жойлашган “Учқўрғон” чегара божхона пости ҳудудига 2 донадан жами 4 донаҳар бирининг сиғими 5 метр куб бўлган суюлтирилган газга мосланган цистерна (газгольдер) харид қилиш (ўрнатиш ва монтаж қилиш шарти билан), лойиха-экспертиза ҳужжатларини тайёрлаб тақдим этиш, цистерналар ва унга уланган газ тизимидан фойдаланиш бўйича Саноатгеоконтехназорат рухсатномаси ҳамда талаб этиладиган бошқа турдаги рухсатнома ва ҳужжатларни жамлаш, фойдаланиш учун тақдим этиш учун етарли пул маблағлари бор ташкилотлар жалб қилинади.

2. Танловнинг қиймати – **848 866 667 сўм** (саккиз юз қирқ саккиз миллион саккиз юз олти миш олти минг олти юз олти миш етти) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

3. Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

4. Ишларни бажариш муддати аванс маблағ тўланган кундан бошлаб 60 кун.

**Танлов ташкилотчилари**

2.1 Наманган вилояти божхона бошқармаси (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади)- танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Почта манзили 160100 Ўзбекистон Республикаси Наманган вилояти Наманган шаҳар Ирригатор кўчаси 2-а уй.

Эл адрес: [namangan@customs.uz](mailto:namangan@customs.uz)

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

**Танлов иштирокчилари**

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, штатида юқори малакали ишчилари бор, ишларни бажариш учун етарли пул маблағлари билан таъминланган мазкур



фаолият билан шуғулланиш бўйича рухсатномага эга барча хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 30 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси. Ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар:

Танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

3.3 Танлов предмети бўлган товар (хизматлар)ни етказиб бериш билан билан боғлиқ лицензия эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4 Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турган; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.


3.5 Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха ҳужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида муружаат қилишга ҳақлидир.

Моддий техника таъминоти бўлими бошлиғи,  
божхона хизмати майори



Б.Каримов

Молия-иқтисодиёт бўлими бошлиғи,  
божхона хизмати капитани



У.Абдуғаффоров